

Қурбонлик дунёда фойда, охиратда ажрдир!!!

05:00 / 19.01.2017 4170

Қурбонлик қилиш закот ва фитр садақаси каби молиявий ибодат бўлиб, у Қуръони карим, ҳадиси шариф ва ижмоъ билан собитдир. Қуйида унга далолат қилувчи оятларни келтирамиз:

رَحْمٰنًا وَاَوْكٰبًا رَّحِيْمًا

“Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг!”. (Кавсар сураси, 2).

رُحِمَ رَحْمَةً مِّنْ رَّبِّهِمْ كَمَا رَحِمُوا رَحِيْمًا

“(Қурбон қилинадиган) туя ва сигирларни Биз сизлар учун Аллоҳнинг шиорларидан қилдик. Сизлар учун уларда яхшилик бордир”. (Ҳаж сураси, 36).

رَحْمَةً مِّنْ رَّبِّهِمْ كَمَا رَحِمُوا رَحِيْمًا
رُحِمَ رَحْمَةً مِّنْ رَّبِّهِمْ كَمَا رَحِمُوا رَحِيْمًا
34/34

“Биз (ўтган) барча умматга Аллоҳ берган чорва молларини (сўйиш) олдидан Унинг номини зикр қилишлари учун - қурбонлик қилишни буюрганмиз. Бас, (барчаларингизнинг) илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйин сунингиз ва (эй, Муҳаммад!) Итоат қилувчиларга хушxabар беринг!”. (Ҳаж сураси, 36).

Демак Аллоҳ таоло ҳар умматга қурбонлик қилишни жорий этган. Қурбонлик катта ибодат саналади. Аллоҳ одамларга чорва ҳайвонларини ризқ қилиб бергани учун шукр қилиб, Аллоҳни улуғлаб, Унинг номини зикр қилсинлар деб қурбонлик жорий қилган.

Ҳукми: Қурбонлик унинг шартлари топилган кишига вожибдир. Чунки юқоридаги оятда шундай дейилган:

رَحْمٰنًا وَاَوْكٰبًا رَّحِيْمًا

“Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг!”. (Кавсар сураси, 2).

Шартлари: Қурбонликни мусулмон, муқим, молиявий имконияти мавжуд киши сўяди. Мусулмонликни шарт қилинишига сабаб қурбонлик Аллоҳга яқинлаштирадиган ибодатдир. Ибодат қабул бўлиши учун эса ислом шарт қилинади.

Муқимга вожиб, мусофирга эмас. Сабаби ушбу ибодат шартларини адо қилиш мусофирга машаққат туғдиргани учун унга жума намози фарз бўлмаганидек қурбонлик қилиш ҳам вожиб бўлмайди. Бундан ташқари, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумолар мусофир бўлсалар қурбонлик қилмасдилар. Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Мусофирга жумъа ва қурбонлик шарт қилинмайди”**. Агар бирор кимса қурбонлик сўйиш вақтигача мазкур пул маблағига эга бўлса яъни, у пулга бир йил тўлмаса ҳам унга қурбонлик вожиб бўлади.

Молиявий имкониятни шарт эканлигига далил эса:

الْفَحْضِيُّ مَلَفٌ عَسَدَجٌ وَنَمٌ « ؕ لَلْأُلُوسِ رَلِاقٌ : لَاقَ ةَ رِي رُهْ يَبَأٌ نَعَوُ
ةَ اَمُّ نُبَاوُ دَمُ حَأْ هَاوَرُ . اِنَّا لَصُمُّ نَبَرُ قِي

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Имконият топиб қурбонлик қилмаган кимса намозгоҳимизга яқинлашмасин”**. (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

Шариатимиз кўрсатмасига кўра қурбонлик қилиш учун молиявий имконият миқдорига шарт яъни, нисоб фитр садақа беришнинг шарти билан бир хилдир. Бир сўз билан айтганда, мол закот нисобига[1] етган бўлса, агарчи ўсмаса ҳам ўша мол эгасига қурбонлик вожиб бўлади. Закотдаги молнинг ўсиш ва унга бир йил тўлиш шарти қурбонликда йўқ.

Вақти: Қурбонлик сўйишнинг аввали ҳайит намозини адо этилганидан сўнг сўйилади. Унинг охириги вақти эса ҳайитнинг учинчи куни шом вақти киргунча яъни, қуёш ботмасидан олдин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар:

دَعِيَ لِفِ ةِ الصَّلَاةِ لِبِقِ ةِ اَشْحَبِذِ نَمٌ : مِ الصَّلَاةِ الصَّلَاةِ هِيَ لِعِ هَلِوَقِ
ةِ نَسِ بَا صَاوُ هَكَسِنِ مِ تِ دَقِ ةِ الصَّلَاةِ دَعِبِ حَبِذِ نَمِ وِ ، هِتِ حَبِذِ
نِ مِ لِمِ سِ مِ لِ

“Кимки (хайит) намозидан олдин қўй сўйса қайтадан сўйсин. Кимки намоздан кейин сўйса қурбонлиги мукаммал бўлибди ва мусулмонларнинг йўлини топибди”.[\[2\]](#)

رحنللا مایا: اولاق مەنأ مەنەنە لاللا یضر سابع نبالو یلعو رمع نە یور
اهلوا اهلضفا ةثالث

Умар, Алий ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумларнинг шундай деганлари ривоят қилинади: **“Қурбонлик сўйиш кунлари уч кундир. Афзали биринчи кундир”.**

Қурбонлик сўйиши вожиб бўлган киши қурбонликни вақтида сўймаса, кейин унинг қийматини садақа қилиши вожибдир. Худди жумъа намозини ўқий олмаган киши пешинни ўқиганидек.[\[3\]](#)

Қурбонлик учун сўйиладиган ҳайвонлар ва уларнинг сифатлари:

Қурбонликка қўй, эчки, туя, сигир каби ҳайвонларнинг эркаги ҳам урғочиси ҳам сўйилиши мумкин. Булардан туя 5 ёш, сигир 2 ёш, қўй ва эчки эса 1 ёшга тўлган бўлиши керак. Аммо қурбонлик ниятида бошқа жониворларнинг сўйилиши масалан, от ёки товуқ, ғоз ва шу каби ҳайвонларни сўйиш жоиз эмасдир.

Мол ва туяни етти кишини номидан сўйилиши ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилади:

هللا ىلص هللا لوسر عم انرحن: لاق هنأ نەنە هللا یضر رباح نە
ةعبس نە نةنابلوا ةعبس نە ةرقبالا ملسو هیلع [\[4\]](#)

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай марҳамат қилиб: **“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир сигирни етти киши номидан, бир туяни етти киши номидан сўйдик”**, деган эканлар (Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривояти).

Агар мол ёки туя 7 киши номидан сўйиладиган бўлса, унинг гўштини тақсимлашда чамалаб эмас, балки килолаб ўлчаган ҳолда тенг тақсимланиши лозим. Фақат калла-поча ёки териси қўшиб юборилган бўлса бундан мустасно.

Қурбонликка ҳар томонлама соғ ва семиз чорва ҳайвонлари сўйилади. Кўр, ғилай, сўйиладиган жойга юриб бора олмайдиган чўлоқ, озғин ҳамда қулоғи ва думининг кўп қисми кесилган жонлиқларни сўйиш шариатимизда дуруст эмас:

ال: "مجلسو هيلع هلالى لص هلال لوسر تعمس لاق بزاع نب ءاربالا ن
اهجرع نيبلا ءاجرلاو اروع نيبلا ءاروعلا: ءعبرا اياحضلا يف ئزجت
[5]"

Баро ибн Озибдан нақл қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Қурбонлик учун тўрт турлик жонлиқни сўйиш дуруст эмас: Ғилайлиги кўриниб турган жонлиқ, чўлоқлиги кўриниб турган жонлиқ, касаллиги кўриниб турган жонлиқ, Иликсиз ўта озғин жонлиқ”**. (Термизий ривояти).

Бошқа ҳадиси шарифда эса:

اوفرش تساملسو هيلع هلالى لص هلال لوسر لاق لاق ءفيدح ن
نذال او نيعلا

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан нақл қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Кўз ва қулоқни кўрикдан ўтказинглар!”**, -дедилар. (Табароний ривояти). [6]

Қурбонлик қилинадиган жонлиқни сифатига ҳар тарафлама эътибор қаратишнинг ҳам ўзига хос ҳикматлари бор албатта. Биринчи ҳикмат – бу мусулмонларнинг Аллоҳга нисбатан юксак одоблари, Қурбонлик Аллоҳ таолога атаб қилингани учун уни соғ-саломат, ҳеч бир нуқсонсиз бўлишига эътибор бериш Аллоҳ таолога нисбатан юксак одобни кўрсатади. Қурбонлик қилинадиган ҳайвоннинг айбу нуқсонсизини топиш эса, тақвонинг баркамоллиги учун уринишдир. Иккинчи ҳикмат – бу мусулмонларнинг ўрталаридаги меҳр-оқибатларини мустаҳкамлайди. Уларга касал ҳайвонларнинг гўштини эмас, балки соғ ва семиз ҳайвонларнинг гўштини совға қилиш яхши ишлардандир. Бу иш уларнинг кўнглини кўтаради.

Қурбонликнинг энг афзали уни қурбонлик қилувчининг ўзи сўйишидир. Агар ўзи сўйишни билмаса, бошқа одамга буюриши ҳам мумкин. Лекин сўйиш вақтида шоҳид бўлиб туриши мустаҳабдир. Чунки ҳадиси шарифда шундай айтилади:

يموق: "مجلسو هيلع هلالى لص هلال لوسر لاق: لاق ديعس يبأ ن
بنذ لك اهمد نم ءرطق لوأب كل رفغي هناف، كتيحضأ يدءشاف"

Абу Саид ал Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳога: **“Бориб қурбонлигинга шоҳид бўл. Унинг аввалги томган қони биланоқ**

сенинг ўтган гуноҳларинг мағфират қилинур», дедилар. (Баззор ривояти)[7].

Қурбонлик гўштарининг тақсимоти: Сўйилган қурбонликнинг учдан бирини садақа қилиши, учдан бирини едириши, учдан бирини қурбонлик қилувчининг ўзи ейиши учун олиб қўйиши мустаҳабдир. У гўштни бойу-камбағалга едириши дуруст. Серфарзанд бўлса, ҳаммасини оилада ўз фарзандлари учун олиб қўйиш афзал. Мусулмон бўлмаган қўшниларга ҳам қурбонлик гўшtidан бериш мусулмонлик зийнатидан ҳисобланади.

Қурбонлик терисини сотиш, қассобга меҳнатининг эвазига бериш мумкин эмас. У фақир кишига садақа қилинади ёки рўзғорда ишлатиш учун олиб қўйилади. Қассобга хизмат ҳаққи берилади, қурбонлик гўшtidан ҳақ сифатида берилмайди.

Қурбонликнинг фазилати: Ҳадиси шарифда қуйидагича айтилади:

ام (م ل س و ه ي ل ع ل ل ا ل ص) ه ل ل ل ل و س ر ا ي : اولاق م ه ن ا م قرأ ن ب د ي ز ن ع ل ع و م ل س و ه ي ل ع ل ل ا ل ص) م ي ه ا ر ب ا م ك ي ب ا ة ن س « : لاق ي ح ا ض ا ل ا ه ه ة ن س ح ة ر ط ق ل ك ل ب : لاق ؟ ر ج ا ل ا ن م ا ه ي ف ا ن ل ا م : اولاق ، (م ل س و ا ن ي ب ن ي ق ه ي ب ل ل و ، ه ج ا م ن ب ا ه ا و ر

Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан нақл қилинади: **Улар: “Эй, Расулulloҳ! Бу қурбонликлар нима?”,- дейишди. “Отангиз Иброҳимнинг суннатидир”, -деб жавоб қилдилар. “Бизга унда қандай ажр бор?”,- дейишганида, “Ҳар бир (қонининг) қатрасига савоб бордир дедилар. (Ибн Можа ва Байҳақий ривояти).** Табароний ва Ҳокимдан қилинган бошқа ривоятда **“ҳар бир тукида савоб бор”**, дейилади.

Баро ибн Озиб ривоят қилади, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

ن ا ل ا ق ر ح ن ل ا م و ي م ل س و ه ي ل ع ل ل ا ل ص ي ب ن ل ا ا ن ب ط خ ل ا ق ا ر ب ل ا ن ع ك ل د ل ع ف ن م ف ر ح ن ن ف ع ج ر ن م ث ي ل ص ن ن ا ا ه ا ن م و ي ي ف ه ب ا ذ ب ن ا م ل و ا . ه ل ا ل ه ل ج ع م ح ل و ه ا م ن ا ف ي ل ص ي ن ا ل ب ق ح ب د ن م و ا ن ت ن س ب ا ص ا د ق ف . . . ع ي ش ي ف ك س ن ل ا ن م س ي ل

яъни: **“Батаҳқиқ, бугунги кунда аввал қиладиган ишимиз ийд намозини ўқиш сўнгра уйга қайтиб қурбонлик қилишимиздир. Кимда ким шундай қилса, у суннатга мувофиқ иш қилибди. Кимда ким намоздан олдин қурбонлик қилса, у оиласи учун тақдим қилган**

- [\[2\]](#) “Ҳидоя фий шарҳи бидаятил мубтадий”. Қурбонлик китоби.
- [\[3\]](#) “Ҳидоя фий шарҳи бидаятил мубтадий”. Қурбонлик китоби.
- [\[4\]](#) “Ҳидоя фий шарҳи бидаятил мубтадий”. Қурбонлик китоби.
- [\[5\]](#) “Сунани Термизий”. Имом Термизий. 4371-ҳадис.
- [\[6\]](#) “Ал-муъжамул авсот”. Абул Қосим Табароний. 9421-ҳадис.
- [\[7\]](#) “Сунани Байҳақий”. Абу Бакр Байҳақий. 19636-ҳадис.
- [\[8\]](#) “Саҳиҳи Бухорий”. Имом Бухорий. 5225-ҳадис. Қурбонликнинг суннати, боби.
- [\[9\]](#) “Мажмаъуз-завоид”. Ҳайсамий. 9 жуз. – Б. 33.
- [\[10\]](#) “Мажмаъуз-завоид”. Ҳайсамий. 9 жуз. – Б. 33.
- [\[11\]](#) “Ал-муъжамул авсот”. Абул Қосим Табароний. 10894-ҳадис.